

Шавкат Мирзиёев: Хунармандчиликнинг пайдо бўлиши – цивилизация сари ташланган энг муҳим тарихий қадам



Қўқон шаҳрида 14 сентябрь куни биринчи Халқаро хунармандчилик фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев барчани чин юракдан қутлаб, юртимизга, ушбу анжуманга бўлган катта ҳурмат ва эътибори учун хорижий меҳмонларга ташаккур изҳор этди.

- Умумбашарий маданиятнинг ажралмас қисми бўлган халқ амалий санъати дунёдаги ҳар бир халқ ҳаётида, унинг турмуш тарзи ва қадриятлари ривожда алоҳида ўрин тутди. Инсониятнинг онгли ҳаётида хунармандчиликнинг пайдо бўлиши – цивилизация сари ташланган энг муҳим тарихий қадам, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз, - деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев буюк авлиё ва хунарманд бобомиз Баҳоуддин Нақшбанд сўзларидан иқтибослар келтирди. Диёримизда хунармандлар меҳнати қадрланиб, ёшларнинг хунар ўрганиши учун кенг имкониятлар яратилаётгани, ушбу фестиваль бу соҳани янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини қайд этди.

- Ушбу халқаро фестиваль нафақат кўпмиллатли Ўзбекистон халқи, балки жаҳон хунармандлари, бутун дунё усталарининг катта байрами, десак тўғри бўлади. Бу – олис тарих ва бугунги замон нафасини, турли қадрият ва анъаналарни ўзида яққол намоён этадиган, муштарак дилларни бирлаштирадиган чинакам дўстлик ва ҳамкорлик анжуманидир, - деди Президент.

Мазкур фестиваль давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 1 ноябрдаги қарорига мувофиқ ўтказилмоқда. Фестиваль арафасида шаҳар ҳаётида яна бир муҳим воқеа юз берди - Жаҳон хунармандлар кенгаши томонидан Қўқон шаҳрига "Жаҳон хунармандлари шаҳри" деган юксак унвон берилди.

Маросимда Жаҳон хунармандлар кенгаши президенти Рози Гринлис ҳам нутқ сўзлади.

Анжуман ўтказиладиган майдон атрофи байрамона безатилган. Қорақалпоғистон ва барча вилоятлардан келган хунармандлар буюмлари кўرғазмаси ташкил этилган. Халқаро хунармандчилик фестивали икки йилда бир марта ўтказилади. Бу йилги анжуманда 78 та мамлакатдан 370 дан зиёд хунармандлар, санъатшунослар, журналистлар иштирок этмоқда.

